

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

16«8»2022 yil.

61-5-74-ХТ/2022-son

NET INDUSTRIAL-INNOVATION хусусий корхонаси «Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи раҳбари Холиков Исмоил номидан, бир томондан Нурота туман халқ таълими бўлими номидан Устави асосида ҳаракат қилувчи, кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади раҳбар Байрамали Бобоназаров номидан, иккинчи томондан қуйидагилар тугрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Сотувчи узига тегишли товарни Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса ушбу товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги 1 жадвалида курсатилган.

1.3.

№	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Суммаси
1	Интерактивная сенсорная панель 65” Диагональ экрана — 65 дюймов;	дона	4	20 495 000	81 980 000
2	Телевизор 32 дюйм. Смарт ТВ.	дона	2	2 000 000	4 000 000
3	Принтер Цветной / А4 Ресурс заправки 2000 стр / Лоток 150 листов / Плотность 60-163 г/м2 / 2 Мб / USB 2.0	дона	1	4 000 000	4 000 000
Жами:					89 980 000

1.4. Товарнинг умумий баҳоси 89 980 000 (саксон тўққиз миллион тўққиз юз саксон минг) сўмни ташкил этади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Шартнома 5 банк кун ичида Сотувчига олдиндан аванс тариқасида 30 фоизи миқдорида пул тўлайди қолган 70 фоизи тўлаш 10 банк иш кунинда амалга оширилади.

2.2. Тўлов шакли: Пул Сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йули билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Сотувчининг мажбуриятлари:

Шартноманинг 2.1 банди Сотиб олувчи томонидан бажарилган санадан бошлаб товарни 10 банк кун ичида Сотиб олувчига топшириши шарт.

Товарни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида Сотиб олувчига топшириш.

Товарни шартнома шартларига жавоб берадиган миқдорда ва сифатда, ташиш жараёнида унинг бузилиши, синиши ёки йук булиши мумкинлигини истисно қиладиган даражадаги идишларда ва жойлаштирилган ҳолда топшириш.

Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

Товарни Товар куздан кечириш (муддати) 2 кунлик муддатда куздан кечириш. Товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, (ёки нобут бўлганда зарар етганда) Сотиб олувчи шу муддатда Сотувчига аниқланган номувофикликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

Сотувчи сифати лозим даражада бўлмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб Товарни алмаштириш учун (муддат) 7 кун ичида сифати лозим даражада бўлмаган товарни сифатлигига алмаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган хар бир кун учун (мажбурият

бажарилмаган кисмининг Товар етказилмаган тақдирда тўланадиган пеня миқдори) 0.5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг (Тўланадиган пенянинг максимал миқдори) 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг Етказилган товарнинг сифати ёмон бўлганда (ундириладиган жарима миқдори умумий суммаинг) 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қуйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг (ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун тўланадиган пеня) 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг (Тўланадиган пеняни энг юқори миқдори) 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

Тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (97 321 32 16) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш кўни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

Мазкур талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар аниқланганда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

6. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.

Мазкур шартномани бажармаганлик ва (ёки) лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25-32 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48 моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175, 176-1, 212-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ушбу шартномага хар қандай ўзгартириш ва қушимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган.

Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга қура, етказилган зарар қопланган ҳолда йул қуйилади.

8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

Томонларнинг хошиш истагига мутлако боғлиқ бўлмаган ҳолларда нокулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (фор-мажор) туфайли тўлаб берилмаганлиги ёки тўлов суммаси кечиктирилганлиги шартнома шартларини ижро этиши бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда хал этилади.

Билдирган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низоли хал килиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақли.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

Шартнома юридик хизмат кўрсатиш марказидан қонунга мувофиқлиги тўғрисида ҳуқуқий ҳулоса олингандан сўнг тарафлар томонидан имзоланиб ғазначилик бўлинмасидан ўтган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилга қадар этиб белгиланди.

Қўшимча шартлар: Қўшимча шартлар.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

Сотувчи:

NET INDUSTRIAL-INNOVATION х/к
Манзил: Нурота т. Мукумий кўчаси 23 уй

Тел: 99-752-32-16

ИНН: 307190962 МФО: 00206

Х.Р.: 20208000005188670001

Банк: Асака банк Навоий ш

Раҳбар И.Холиков

Сотиб олувчи:

Нурота туман халқ таълими бўлими

Манзил: Нурота т. М.Рахимов 1 уй


Тел: 99-752-66-92

ИНН: 200030979 МФО: 00014

Х.Р.: 401722860122387092100075029

Банк: Мақазий банк Тошкент

Раҳбар Б.Бобоназаров

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	BAYRAMALI BOBONAZAROV BAHRONOVICH
	Imzolangan sana	16 avg 2022 18:45
	Hujjat kodi	MD48124070
	Hulosa kodi	HI7277788463

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyihaning turi:

Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Oldi-sotdi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurota tuman xalq ta'lim bo'limi, 11.08.2022 yil.

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

"Net Industrial-Innovation" xususiy korxonasi va Nurota tuman xalq ta'lim bo'limi o'rtasida umumiy summasi 89 980 000 (sakson to'qqiz million to'qqiz yuz sakson ming) so'm bo'lgan (sment mahsulotlari xarid qilish) oldi-sotdi to'g'risidagi shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-son Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 15.04.2022-yildagi "Byudjetlararo munosabatlarni va soliq ma'muriyatchiligini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi PQ-208-son Qarori talablari asosida tuzilgan.

Taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-son Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



Sh.Soliyev

16.08.2022-yil